*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 8 октябрь • сешанба № 38 (878)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

# Фарзандларимиз — Ватанимиз истиқболи

## Улар миллатимиз бахти, эртамиз эгалари

**"ЭЗГУЛИКНИНГ йўли узун", дейди доно халқимиз. Бу ҳикматли сўз замиридаги бағрикенглик, хайр-саховат, меҳр-мурувват, тинчликтотувлик, бунёдкорлик, эртанги ёруғ кунларга ишонч ва интилиш, фарзандлар камолини кўришдек олий мақсадлар билан яшаш каби миллий қадриятларимиз давлатимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати билан ҳамоҳанг. Айниқса, болапарварлик халқимизга хос бўлган азалий хислат. Зотан, ёш авлодга юксак эътибор ва ғамхўрлик барча даврларда ҳар қайси жамият ва давлатнинг энг асосий устувор йўналиши бўлиб келган. XV асрда яшаб ўтган файласуф Фридрих Ницше айтганидек, "Фарзандларингизга берилаётган бугунги меҳр-мурувват эртанги кунингизни чароғон этади".**



ДАРҲАҚИҚАТ, ота-она ва оила истиқболи, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан бевосита боғлиқдир.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим масалалардан бирига айланди. Мустақил Ўзбекистон ҳукумати томонидан ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжат БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция эканлиги ҳам бунинг яққол исботидир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз тараққиётининг ўтган 22 йиллик даври давомида болалар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилди. Хусусан, 2008 йил 8 январда кучга кирган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунда юқоридаги халқаро ҳужжатда баён этилган боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор барча ҳуқуқий меъёрлар ўз ифодасини топган.

Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги, 2009 йил 1 июлдаги **"2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"**ги қарорлари ҳамда **"Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"** каби қонун ҳужжатлари аҳоли соғлигини сақлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўлидаги кенг қамровли ишларда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мустақилликка эришганимиздан буён, Юртбошимиз

2

## Мустақиллик — буюк неъмат



# Ахборот-коммуникация технологиялари

## тараққиётида дастурий таъминот воситаларининг аҳамияти

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида мазкур соҳанинг илғор ютуқларини барча тармоқ ва жабҳаларга кенг жорий этиш мамлакатимизнинг келгуси равнақида муҳим омил ҳисобланади. Зеро, ахборот технологиялари бозорининг зарур таркибий қисми бўлган дастурий маҳсулотлар индустрияси миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини оширишда, рақобатда устуворликка эришишда, валюта тушумларининг кўпайишида, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда ўзига хос ўрин тутади.**

ДУНЁ амалиётига назар солсак, дастурий таъминот соҳаси ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришган Ҳиндистон, Ирландия, Хитой ва бошқа кўплаб давлатларда софтвер индустрияси миллий иқтисодиётнинг инновацион таркибий қисмига айланганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам софтвер индустриясининг ҳар томонлама сифатли ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан ахборотлаштириш соҳасини тартибга солувчи мукаммал ҳуқуқий база яратилди. **"Алоқа тўғрисида"**ги, **"Телекоммуникациялар тўғрисида"**ги, **"Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"**ги, **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги, **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**ги ва бошқа қатор қонунлар, қонуности ҳужжатлари шулар жумласидандир. Соҳага оид 11 та қонун, 40 дан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва стандартлар қабул қилинди.

Дарҳақиқат, ахборот-коммуникация технологияларининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий дастур ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида туради. Жумладан, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда дастурий таъминотни ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб келинмоқда. Ахборот ва компьютер технологиялари соҳасига ўқитиш ҳамда дастурий воситаларни реализация қилиш хизматларини кўрсатувчилар учун қўшимча қиймат солиғидан озод этиш бўйича нормалар бир неча йиллар давомида амал қилиб келмоқда. Охирги беш йил мобайнида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга ихтисослашган корхоналар, бошқа микрофирма ва кичик корхоналарга нисбатан ягона солиқ тўловини тўлашда имтиёзлар берилгани уларнинг иш самарадорлигини оширишда асқотмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг матбуотда эълон қилинган **"Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори бу борада яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қарорда Ўзбекистон Республикасининг **"Ахборотлаштириш тўғрисида"**ги Қонунига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда янада кенгроқ тарқалишига кўмаклашиш мақсадида қатор қулайлик ва устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан, дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларга қатор солиқ имтиёзларининг берилиши ва шу муносабат билан бўшайдиган маблағларнинг Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчиларнинг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилиши соҳа ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Қарорда мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳалар ва инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш чораларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу, ўз навбатида, юртимиз келажаги бўлган ёш авлод вакилларининг интеллектуал салоҳияти юзага чиқиши ҳамда соҳада етук малакали кадрлар захираси шаклланишига хизмат қилади.

Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, ушбу Қарор, энг аввало, "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш дастурларини амалга оширишнинг комплекс таъминоти масаласи ҳамда ахборот тизимларининг идора ва идоралараро комплексларини интеграцияловчи Миллий ахборот тизимини яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис ахборот-коммуникация технологиялари бозорининг муҳим қисми бўлган дастурий таъминот индустриясини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириб бориш, хусусан, дастурий таъминот ишланмаларини яратиш ва уларни етказиб бериш соҳасида давлат буюртмалари тизимидан унумли фойдаланиш, дастурий таъминот индустриясига келаётган инвестиция оқимини ҳуқуқий жиҳатдан рағбатлантириш, дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бу борадаги долзарб чоралар сирасига киради.

Таъкидлаш жоиз, республикамизда маҳаллий дастурчилар томонидан яратилаётган маҳсулотлар спектри йил сайин кенгайиб бормоқда. Таниқли ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг маҳсулотларини дистрибуция ва жорий қилиш билан бир қаторда, хорижий аналоглар билан бемалол рақобат қила оладиган маҳаллий дастурий маҳсулотлар ҳам яратилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада такомиллаштириш унинг ривожига хизмат қилади.

**Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



Хабарингиз борми?

# Ўзбекистон автомобилчилари

## халқаро кўргазмада қатнашади

**5-8 НОЯБРЬ кунлари АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида "AAPEX — 2013" ҳамда "SEMA Show — 2013" кўргазмалари бўлиб ўтади. "International Business Travel" компанияси томонидан уюштирилаётган мазкур тадбирнинг расмий иштирокчилари рўйхатига Ўзбекистон автомобилчилари делегацияси киритилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.**



МАЪЛУМОТ учун эслатиб ўтамизки, "AAPEX — 2013" халқаро кўргазмасида автомобилларнинг энг замонавий эҳтиёт қисмлари, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш марказлари фаолияти намойиш этилса, "SEMA Show — 2013" халқаро кўргазмасида эса иштирокчилар автомобиль саноати учун махсус ускуналар билан танишиш имконига эга бўладилар.

Дарвоқе, кўргазма доирасида автомобиль индустриясининг ишлаб чиқариш соҳаси учун мутахассис-кадрлар тайёрлаш, йўловчи ҳамда юк ташувчи автомашиналарни эксплуатация қилиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш масалаларига бағишланган махсус тадбирлар ҳам ўтказилиши мўлжалланган.

**Муаттар НИЁЗМЕТОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

Конференция

# Адвокат — қонун ҳимоячиси

## Пойтахтимиздаги "Dedeman" меҳмонхонасида республика Адвокатлар палатасининг навбатдаги II конференцияси бўлиб ўтди.



МАЖЛИСНИ Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Музроб Икромов олиб борди.

Тадбирда Адвокатлар палатаси ва унинг молиявий органи — Тафтиш комиссиясининг 2008-2013 йиллар давомида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди. Адвокатлар палатасига аъзоликка қабул қилиш ва аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш, Адвокатлар палатаси ҳамда Тафтиш комиссияси низомларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларини янги таҳрирда қабул қилиш, Адвокатлар палатасининг ижро этувчи органи — Бошқарув ва молиявий назорат органи — Тафтиш комиссияси аъзоларини, шунингдек, Адвокатлар палатаси раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

— Ҳозир мамлакатимизда 3 минг 634 нафар адвокат 1 минг 241 та адвокатлик тузилмасида фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан фуқаролар ва корхоналарга зарур юридик ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Биргина, 2012 йил давомида адвокатлар томонидан жиноят, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларда иштирок этиш учун ишонч билдирувчи ва ҳимоя остидаги шахслар билан жами 140 мингдан ортиқ юридик ёрдам бўйича шартнома тузилган, — дейди Адлия вазирлигининг Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғи ўринбосари Актам Муҳаммадиев.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тизим тадбири

# Нотариат институти ривожи

## халқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирмоқда

**АДЛИЯ вазирлиги томонидан Германиянинг Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамкорлигида Самарқандда "Нотариусларнинг касбий маҳоратини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуида халқаро анжуман ташкил этилди.**

МАМЛАКАТИМИЗДА нотариал фаолият Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик, Оила кодекслари, "Нотариат тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Нотариал ҳаракатлар ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш йўналишида жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда нотариат фаолияти билан боғлиқ фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб борилмоқда.

Сўзга чиққан Германия Федераль нотариал палатаси вакиллари Ўзбекистон миллий қонунчилигидан хабардор эканликларини, унга асосан бўлажак нотариусларга қўйиладиган малака талаблари такомиллаштирилганлиги, нотариус ёши, муддатли стажировка ўташи, қасамёд қилиш тартиблари ҳам белгилаб қўйилгани мазкур институтнинг халқаро талабларга мос келишини қайд этишди. Айниқса, ҳудудий адлия бошқармалари ҳузурида нотариал архивларининг ташкил этилгани юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар ҳамда архив ҳужжатлари нусхаларини олишларида катта қулайлик яратди. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш масалаларида ортиқча расмиятчиликнинг олдини олиб, нотариал ҳаракатларни ўз вақтида амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Анжуманда нотариат институтининг ташкилий-ҳуқуқий талаблари, нотариусларнинг касбий маҳоратлари, Ўзбекистонда мазкур институтни ривожлантиришнинг миллий қонунчилик асослари, соҳадаги тажрибани халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда янада бойитиш, Германия нотариат палатасининг ўзига хос жиҳатлари, бу борадаги ҳуқуқий ёрдам турлари ҳамда нотариусларнинг касбий маҳоратларини оширишда халқаро ҳамкорлик масалалари юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати**

*"INSON va QONUN"* ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

*"HUQUQ va BURCH"* ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

*"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"* ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"* расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.*
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33
website: www.lex.uz

# Фарзандларимиз — Ватанимиз истиқболи

## Улар миллатимиз бахти, эртамиз эгалари

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

бошчилигида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар натижасида оналар ва болалар ўлими 3 баравар, ногирон болалар туғилиши эса деярли 80-90 фоизга камайди. Ер юзининг кўплаб ҳудудларида болалар тўйиб овқат емаслик, турли касаллик, очлик ва қаровсизлиқдан бевақт оламдан кўз юмаётган бир пайтда ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш модели минтақа мамлакатлари учун намуна сифатида эътироф этилгани ҳар биримизнинг қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига таяниб айтадиган бўлсак, оналар ва болаларга керакли даволаш хизматларини кўрсатиш учун ҳар ўн минг аҳолига 23 нафар тиббиёт ходими тўғри келиши мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги жаҳон рейтингини тузувчилар томонидан мамлакатимизда бу кўрсаткич ҳатто энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам халқаро стандартларга тўлиқ мос келиши эътиборга олинди.

Ўзбекистон "Save the children" ("Болаларни асрайлик") халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилаётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олди.

Шунингдек, 2006 йил аёллар учун энг яхши шарт-шароитлар яратилган давлатлар рейтинги бўйича Ўзбекистон 125 та мамлакат орасида 19-ўринга, оналикни ҳимоя қилиш бўйича эса 27-ўринга эга бўлган. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши ва МДҲ доирасидаги энг юқори кўрсаткичдир.

ЮНИСЕФнинг ижтимоий мониторинг ва бошқа тадқиқотларида Ўзбекистонда болаларнинг соғлигини асраш, уларни касбга йўналтириш борасида давлат харажатлари ҳажми Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг катталиги, оналар ва болалар фаровонлигининг айрим кўрсаткичлари бўйича республикамиз халқаро форумларининг яқин келажак учун ишлаб чиққан тавсияларидан ўзиб кетганлиги кўп бора таъкидланган.

Яна бир муҳим жиҳатни таъкидлаш жоиз. Мамлакатимизнинг барча жойларида яратилган муҳташам тиббиёт мажмуалари, ҳомиладор аёлларни махсус қувватлантирувчи дори-дармонлар билан таъминлаш, аёлларга туғиш пайтида тезкор ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, она ва бола саломатлиги доимий равишда малакали тиббиёт ходимларининг назоратига олиниши ҳамда барча тиббиёт муассасалари энг замонавий техник анжомлар билан жиҳозланиб, махсус автотранспорт билан таъминланганлиги юқоридаги халқаро ташкилот томонидан юқори баҳоланиб, кўрсаткичлар бўйича рейтингда кўпгина ривожланган давлатларни ортда қолдириб, тўққизинчи ўринга муносиб топилди.

Мамлакатимиз бўйлаб олиб борилаётган соғлом авлодни камол топдиришдек кенг қамровдаги эзгу фаолият ҳақида сўз кетганда, давлат органлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва турли жамоат бирлашмаларининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Хусусан, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси мисолида кўрадиган бўлсак, унинг жисмонан соғлом, маънан етук, руҳан тетик фарзандлар тарбиялашни таъминлаш, оналик ва боланикни муҳофаза этувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, оилаларда соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият туйғуларини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат улкан мақсад ва вазифалар мазкур жамғарманинг нечоғлик улуғ ишга камарбаста эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистондаги яна бир энг йирик "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси 2002 йил ноябрда ота-она қарамоғисиз қолган болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилди.

Қаровсиз қолган болалар учун мўлжалланган муассасалар билан ишлаш жамғарма фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Республикамиздаги 25 та меҳрибонлик уйи, 13 та гўдаклар уйи, 3 та болалар шаҳарчаси ва 88 та ихтисослаштирилган интернат тарбия муассасаси шулар жумласидандир.

Жамғарма фаолияти давомида мингдан ортиқ меҳрибонлик уйи битирувчиларига уй олишда кўмаклашганлиги, уларнинг ўз тураржойларида яшаш ҳуқуқи тикланганлиги каби хайрли ишлари тақдир зарбасига учраган болалар учун моддий ва маънавий суянч бўлиши баробарида, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида шу муқаддас заминга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиради.

Зотан, Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Қарорида давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда, ёшларимизнинг жисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб улғайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджети харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илму фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё тажрибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айнан шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлиги таъкидланганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат, "...табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси туради". Бу сўзларнинг нечоғлик ҳақиқат эканлигини бугунги кунда ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири**

---

### Ўқув-машғулот

# Энг катта бойлигимиз

## мамлакатимиздаги барқарорликдир

— БУГУН дунё шунчалик даражада тез ўзгариб, мураккаблашиб кетдики, зийракликни, огоҳликни бир зум йўқотган миллат, жамият оғир муаммоларга дуч келиши мумкинлигини ҳаёт кўп бор исботлади. Бугун бизга яқин ва узоқ мамлакатларда содир бўлган ва бўлаётган тўс-тўполон, ғалаён, турли номдаги инқилоблар, давлат тўнтаришлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Бу воқеа ва ҳодисаларнинг бизга дахли йўқ, деб ўйласак катта хато қиламиз. Чунки бугун дунёнинг бир бурчагида чиққан ўт эртага бошқа бир ҳудудда такрорланмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бугун ҳаммамизга аёнки, бу каби воқеаларнинг буюртмачилари, ташкилотчилари бор, дунёга ўт қўйишни касб қилиб олганлар бор, — дейди Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулот меҳмони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, халқаро сиёсий шарҳловчи Иброҳим Норматов.

Дарҳақиқат, шундай бир таҳликали замонда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчликни асраш, унга ҳар биримизнинг масъуллигимизни англаш бугуннинг талаби эканлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида ҳам **"биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.**

**Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган "Бизга тинчлик ва омонлик керак", деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим"**, дея таъкидлайди.

Мулоҳаза ва мушоҳадага чорлаган мазкур тадбир сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларига атрофлича жавоб олдилар.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

---

### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги олдидан

# Бош Қомусимиз – ислоҳотлар асоси

## у юртимизда тинчлик ва тотувликни таъминламоқда

**ЎЗБЕКИСТОН демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан босқичма-босқич равишда собитқадамлик билан бормоқда. Ўтган йигирма икки йил давомида мамлакатимиз бу борада улкан ютуқларни қўлга киритди. Мустақил давлатчилигимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий негизлари яратилди.**



ДАРҲАҚИҚАТ, мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритганлигини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсган, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошган, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайган ва охирги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида фикр юритар эканмиз, бунда, албатта, ушбу бунёдкорлик ишларининг ҳуқуқий негизи, тамал тоши бўлмиш Конституциямиз кўз олдимизга келиши табиий. Зеро, Асосий Қонун юртимизда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб ҳаёт ва турмуш шароитларини яратишнинг кенг ҳуқуқий маконини кафолатлаб берди.

Бош қомусимизнинг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда инсон манфаатлари, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият, дея эътироф этилган. Конституциямизга мувофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Конституция ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгилари сифатида давлат ҳокимиятининг бўлиниши принципини, барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини ҳамда Конституция ва қонунларнинг устунлиги қоидаларини мустаҳкамлади. Бу эса мамлакатимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, давлат органлари фаолиятини самарали ташкил этишда катта аҳамиятга эга.

Асосий қонунимизнинг яна бир муҳим моҳияти шунда намоён бўладики, унда мустақил давлатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари аниқ ифодаланган. Хусусан, Асосий Қонунимизга кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти бўлиб, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланади.

Яқинда Конституциямиз қабул қилинганлигига йигирма бир йил тўлади. Ушбу сана тарихий нуқтаи назардан қисқа бўлса-да, бироқ мамлакатимиз миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланиши ва ривожланишида беқиёс аҳамият касб этганини ҳаммамиз яхши биламиз. Шу маънода, Конституциямизнинг ҳар бир моддасини ўрганиш ва кенг ёритиш масаласи долзарб ҳисобланади.

**Ойбек ХОЛМАТОВ,
Республика Транспорт прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси**

---

### Таълим ислоҳотлари

# Ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг янги сифат босқичи

## замон талабларига мос юксалмоқда

**ТЕЗКОР замон олдимизга долзарб вазифаларни қўймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар ва яратилаётган кенг ҳуқуқий имкониятлардан тўғри фойдаланиш, шахсий манфаатнинг жамият ва давлат манфаати билан уйғунлигини идрок этиш баробарида четдан мамлакатимиз тараққиётига бўлаётган ҳар қандай хуружларга нисбатан ўз мустақил фуқаролик позицияси ва эркин тафаккури орқали курашиш учун масъулиятни ҳис қилиши шарт.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2013 йил 28 июндаги **"Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг сифат босқичини белгилаб берганини таъкидлаш жоиз. Мазкур Қарорда мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ёхуд замонавий халқаро андазаларга жавоб берувчи юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш асосий мақсад этиб белгиланган.

Қарорда Тошкент давлат юридик институтининг Тошкент давлат юридик университети сифатида қайта ташкил этилиб, университетга "юриспруденция" мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича базавий давлат олий таълим ва илмий-методик муассасаси этиб белгиланиши ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг янги сифат босқичи бошланганини англатади.

Шунингдек, Қарорда ўқув жараёнидаги назарий билимларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан уйғунлаштириш ва талабаларда таҳлилий фикрлаш, мустақил қарорлар қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш, профессионал билимларни эгаллашда замонавий илғор педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ҳам белгиланган. Ушбу вазифа юриспруденция соҳасида замонавий, рақобатбардош, давр талабига жавоб берадиган, профессионал кадрларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиянинг сифат босқичига эришишда барча таълим муассасаларидаги ҳуқуқий фанларни замонавий ҳамда миллий тизим талабига мослаштириш долзарб саналади. Шу боис Қарорда мамлакатимизнинг ўрта махсус касб-ҳунар, олий юридик ва ноюридик таълим муассасаларида ҳуқуқ фанидан дарс берувчи ўқитувчиларнинг фаолиятига ҳам эътибор қаратилганлиги, шунингдек, мазкур соҳа вакилларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмини ҳамда улар учун таълим стандартларига мос ўқув адабиётлари ёки ўқув-методик материалларни яратиш масаласининг инобатга олинганлиги юксак эътибордан далолатдир.

Ахлоқан пок, қалбан уйғоқ, масъулиятли ва ташаббускор, маънан етук инсонни тарбиялаш масаласи ҳам Қарорда асосий вазифа сифатида қўйилганлиги бежиз эмас. Зеро, маънавияти юксак инсондан ўз соҳасининг пухта билимдони, ҳақгўй, одил, фидойи юрист кадрлар чиқиши шубҳасиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, маънавиятлиликнинг тўрт асосий жиҳати муҳим. Яъни ҳар бир фуқаро, хусусан, ёшлар: 1) ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин ва бунинг учун курашсин; 2) ўз кучи ва имкониятларига таяниб, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин; 3) атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин; 4) шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб фаолият юритсин.

Шунингдек, Қарорда университетнинг ўқув жараёнига таълим беришнинг замонавий шакл ва методларини эгаллаган ҳамда амалий тажрибага эга бўлган амалиётчи ходимлар, хорижий мамлакатларнинг етакчи турдош таълим муассасаларидан юқори малакали мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш ҳам назарда тутилган. Бу масъулиятли вазифа ҳам бугунги кунда мамлакат тараққиёти учун муносиб, замонавий юрист кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни қондиришга хизмат қилади.

Шунингдек, юқоридаги Қарорга асосан Тошкент давлат юридик университетининг тизимида Ҳуқуқий тадқиқотлар маркази ташкил этилиб, унга аниқ вазифалар юклатилганлиги ҳам юридик таълим ислоҳотларининг самардорлигини оширади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Қарор ўз моҳиятига кўра, муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналади. Унда мамлакатимиз ҳуқуқий тизимида замонавий юрист кадрларни тайёрлаш борасида катта имкониятлар яратилиши билан бирга, Вазирлар Маҳкамасидан бошлаб, қатор вазирликлар, давлат қўмиталари каби давлат бошқаруви органлари, шунингдек Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура зиммасига аниқ ва масъулиятли вазифаларни юклайди.

**Отабек БОБОЖОНОВ,
Тошкент давлат юридик университети "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари**

---

### Фикр

# Ичимлик суви

## глобал муаммога айланмоқда

**СУВ — бу ҳаёт. Шу боис ҳам ота-боболаримиз унинг ҳар бир томчисини авайлаб, тежамкорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилишган. Оби-ҳаёт ресурсларининг миқдори ва сифати кўп ҳолларда давлатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб келмоқда. Маълумки, республикамизнинг оби-ҳаёт таъминоти асосан Марказий Осиёнинг асосий сув манбалари — Амударё ва Сирдарёга боғлиқ.**



ЕР СИРТИНИНГ 70 фоизини сув эгаллаган бўлиб, унинг фақат 2,5 фоизи тоза ичимлик суви ҳисобланади. Марказий Осиё сув манбаи Тянь-Шан ва Помир тоғларидаги чекланган музликлардир. Афсуски, теварак-атрофнинг ифлосланиши натижасида, кўкка кўтарилган чанглар муз қатлами устига қора чойшабдек ёпирилиб келмоқда.

Ҳозирги пайтда Орол денгизи фожиаси дунёдаги энг йирик глобал экологик муаммо бўлиб, ушбу минтақанинг ривожланишига, унда яшовчи аҳоли соғлиғига, генофондига ва келажагига хавф солаётгани ҳаммамизга маълум. Шунингдек, Орол денгизининг қуриши катта туз чўлларини келтириб чиқармоқда. Ҳар йили шамол тўзонлари 100 минг тоннадан ортиқ тузларни ҳавога кўтариб, теварак атрофга ёймоқда. Бу эса оғир экологик муҳитни янада чигаллаштирмоқда.

Охирги 50 йилда Орол денгизининг сув сатҳи саккиз маротаба қисқарган бўлиб, сув ҳажми эса ўн уч мартага камайган ва денгизнинг қуриган қисмида 5,5 миллион гектар майдонга тенг қум чўл пайдо бўлган. Бунинг натижасида, минтақада ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди зарар кўрмоқда.

Инсоният XXI асрга келиб ҳам ҳаётнинг асоси бўлган сувни қадрлашни ўрганмаяпти. Статистик маълумотларга қараганда, ҳозирнинг ўзида ер юзидаги 1,1 миллиард киши сув етишмаслигидан қийналмоқда. 2025-2030 йилларга келиб ичимлик суви етишмовчилиги таҳликали даражага етади. Аҳолининг тенг ярми оддий истеъмол учун сув топишга қийналиб қолади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, XXI асрга келиб инсоният ҳаёти турли синов ва машаққатларга тўла бўлмоқда. Тоза ичимлик суви захираларининг тобора камайиб, унга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бораётгани эса экологик таҳдидни янада кучайтирмоқда. Ана шу таҳликали вазиятда башарият ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмаса ва биргаликда глобал муаммонинг олдини олишга интилмас экан, вазият тобора чигаллашиб бораверади.

**Мавлуда ҚАҲҲОРОВА,
ТДЮУ қошидаги академик лицейи ўқитувчиси, биология фанлари номзоди**

---

### Адлия ёрдам берди

# Трактор

## етказиб бериладиган бўлди



**ҲУҚУҚНИ муҳофаза қилувчи идоралар ўз фаолияти давомида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний асосларда ҳимояларкан, амалдаги қонунларга таяниб иш юритади.**

ХУСУСАН, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан Бўка туманида фаолият юритаётган "Дурдона — Машҳура" фермер хўжалигининг шаҳримизда фаолият олиб бораётган "Dialan Techno Card" МЧЖ раҳбарининг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Мурожаатда келтирилишича, "Дурдона — Машҳура" фермер хўжалиги билан "Dialan Techno Card" МЧЖ ўртасида 130 000 000 сўмлик Беларусь тракторини етказиб бериш юзасидан жорий йилнинг февраль ойида шартнома имзоланган. Шартнома келишувига кўра, 10 кунда шартнома умумий суммасининг 100 фоизи миқдорида тўлов амалга оширилиши кўрсатилган бўлиб, "Дурдона — Машҳура" фермер хўжалиги шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажарган.

Аммо шартнома бандида сотувчининг ҳисоб-рақамига пул маблағи келиб тушгандан сўнг 30 кунда трактор етказиб берилиши қатъий кўрсатилган бўлса-да, "Dialan Techno Card" МЧЖ раҳбарининг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги оқибатида трактор етказиб берилмаган.

Ушбу мурожаатдаги даъволар асосли эканлиги аниқлангач, адлия бошқармаси томонидан "Дурдона — Машҳура" фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун талаблари асосида ҳимояланиб, товар етказиб бериш муддати кечиктирилгани учун 65 000 000 сўм пеня ҳисобланди ва уни ундириш ҳамда тракторни етказиб бериш мажбуриятини юклаш юзасидан Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан "Dialan Techno Card" МЧЖдан "Дурдона — Машҳура" фермер хўжалиги фойдасига пеня ундирилиши ва трактор етказиб берилиши белгиланди.

**Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири**

---

### Фикр

# Миллий маънавият ва ҳуқуқий маданият

## мафкуравий курашда ҳамиша мадад беради

**БУГУНГИ глобаллашув жараёнлари, яъни дунёда мафкуравий курашлар авж олган бир пайтда даврнинг ўзи ҳушёрлик ва огоҳлик, тинчлик учун масъуллик ҳиссини фуқароларимизда, хусусан, ёшларимизда шакллантириш заруратини қўймоқда.**

ЧУНОНЧИ, юртимизда тинчликни асраб-авайлашда ёшларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий фаоллиги, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, мустақил ва фаол фуқаролик позицияси муҳим ўрин тутади. Шу боис мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг қадрини ёшлар онгига сингдиришда сиёсий ва ҳуқуқий тарғибот муҳим аҳамиятга эга. Чунки энг аввалло, давлатимизнинг стратегик мақсадини ва мафкуравий хуружларнинг асл муддаосини тушуниш учун ҳам ёшларимиздан муайян сиёсий-ҳуқуқий маданият талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йил давомида ёшларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган 2216 дан ортиқ турли ҳуқуқий тарғибот тадбири амалга оширилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилган бу каби тадбирларга 40 700 нафарга яқин ёшларнинг иштироки таъминланди.

Сир эмас, жаҳонда халқларнинг тинчини бузаётган террористик гуруҳлар ва кучлар ўз ёвуз мақсадлари йўлида асосан маънавий билими паст, ўз дунёқарашига эга бўлмаган ёшлардан фойдаланишмоқда. Шу сабабли ҳам, ҳар бир ёш чуқур тарихий илдизларга таянган, ўзининг буюк ўтмишдаги аждодларини биладиган ва улар билан фахрланадиган, урф-одатларимизни асрайдиган, ўз халқи, она тилини улуғлайдиган ва бойитадиган, ор-номуси учун кураша оладиган, миллий ғururини юқори қўя оладиган даражада фаол бўлиши лозим.

**Тожиддин УТЕПБЕРГЕНОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

**МАҲАЛЛАНИ катта бир оилага қиёслаш мумкин. Хонадоннинг ҳар бир вакили сингари унда истиқомат қилувчилар ҳам тинч-осойишта турмуш кечириш, меҳнатдан қадр-қиммат топиш, фарзандлар камолини кўриш, жамият ривожига ҳисса қўшишни олий мақсад, деб билади. Маҳалланинг обрў-эътибор, қувонч ва ташвишларига ўзини дахлдор ҳис қилади.**

### Мулоҳаза

# Дабдабанинг дағдағаси

## унга маҳаллада чек қўйилади

АММО ҳар нарсанинг меъёри бўлганидек, тўйларни ортиқча дабдаба ва ҳашамсиз, тартибли ўтказиш борасида кўплаб баҳс-мунозаралар билдирилмоқда. Мазкур долзарб масалага ҳукуматимиз томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Шу мақсадда Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги **"Тўй ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида"**ги Фармони муаммони ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 10 сентябрдаги "Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Тўй ўтказиш билан боғлиқ масаланинг яна бир долзарб жиҳати шундаки, ёш келин-куёвлар никоҳдан ўтиш учун ФҲДЁ органларига боришади. Кўп ҳолларда қўша-қўша машиналар, йигит-қизлар серқатнов кўчаларда шовқин-сурон билан айланиши йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишига сабаб бўлади. Ахир ўзингиз ўйланг-а, турнақатор машиналарнинг кимўзарга қилаётган пойгалари фуқароларнинг ҳаётига хавф солмайдими? Шунингдек, тўйга алоҳида "чирой бағишловчи" қимматбаҳо пиротехника воситаларидан фойдаланиш ҳам салбий ҳолатларга олиб келади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор билан тасдиқланган қоидаларда тадбирлар ўтказилишига қўйиладиган талаблар фуқароларимизга етказилаяпти.

**Собитхўжа ИМОМОВ, Учтепа тумани "Кўкча-Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида маҳалламизда 18 та никоҳ, 15 та қиз узатиш, 11 та ақиқа, 20 та эҳсон, 20 та жаноза маросимлари ўтказилган бўлса, ушбу маросимларнинг ҳаммасини ортиқча дабдабабозликларсиз ва исрофгарчиликларсиз ўтказишга эришдик. Айниқса, 20 та эҳсон маросимининг атиги 2 таси тўйхонада, қолган 18 таси хонадонларда ихчам ва ортиқча харажатларсиз ўтказилди.

Шунингдек, тўйдан олдин бўладиган "фотиҳа тўй", тўйдан кейинги "чарлари", "қуда чақириқ", ҳайитлардаги "келин салом" ёки эрталабки ошларда 14-15 кишига тўн кийдириш, қуда томонга 200-300 киши билан тўйга боришлик қисқартирилди. Ушбу тўй ва маросимларни ихчамлаштириш эвазига маҳалламиздаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган



оила фарзандларига мактаб бозори, кекса ва нафақадаги ёлғиз отахон ва онахонларнинг коммунал тўловларини тўлаб беришга эришдик. Қолаверса, маҳалла ҳудудидаги таъмирталаб кўчаларни бир қисмини асфальт қилишга киришаяпмиз. Бу, ўз навбатида, аҳолига, айниқса, ёшлар ўртасида саховатпешалик фазилатларини сингдиришга, меҳр-оқибатнинг кучайишига, маҳалланинг янада обод ва кўркам бўлишига сабаб бўлмоқда.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг маълумотига кўра, тадбир ўтказадиган фуқаро, яъни буюртмачи ва тўйхона, ресторан, кафе раҳбари — хизмат кўрсатувчи ўртасида шартнома тузилади. Шартномада буюртмачи ва хизмат кўрсатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш ҳамда хизмат тури, тўлов, харажатлар миқдори, муддатлар ҳамда амалдаги қонунчиликда белгиланган талаблари кўрсатилади. Тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказиладиган тадбирларнинг иш кунлари соат 07:00 дан 09:00 гача, 12:00 дан 14:00 гача ва соат 18:00 дан 23:00 гача ўтказилади. Соат 23:00 дан кейин тўй, тантана ва тадбирларни давом эттиришга йўл қўйилмайди. Тасдиқланган қоидаларга кўра, тадбирда диний мавзуда маъруза кўзда тутилган бўлса, дин соҳаси вакили томонидан маъруза қилиниши шарт. Дин соҳаси вакилига адлия идораларида рўйхатга олинган диний ташкилот, диний таълим муассасасида ишлайдиган, диний билимга эга шахс, масжид имом хатиби ва ноиб-имоми киради. Бошқа шахсларнинг маъруза қилиши тақиқланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, қарорга кўра тўй-ҳашам, маросим ва оилавий тадбирларни мувофиқлаштирувчи Жамоатчилик кенгашларига тўйхона, ресторан ва кафеларда ўтказилаётган тадбирлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, мазкур қоидаларни жойларда тарғиб этиш, бажарилишини жойларда ўрганиш ҳамда аниқланган салбий ҳолатлар бўйича тегишли давлат ва назорат қилувчи органларга маълумот киритиш ваколати берилади.

**Мунира УСМОНОВА, Яккасарой тумани "Ўриксор" маҳалласи диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича раис маслаҳатчиси:**

— "Ўриксор" маҳалласи намунали маҳаллалар сирасига киради. Маҳалламизда 4150 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар ойда икки марта Жамоатчилик кенгаши аъзолари билан суҳбатлар уюштириб келамиз. Тўй ўтказаётган хонадон соҳибларига тўйларни ихчам ўтказиш, ортиқча дабдабабозликка йўл қўймасликлари учун тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Кийиниш одоби ҳам борган сари замонавийлашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Енги калта, елкаси кўксигача очиқ тўй либосидаги келиннинг хатти-ҳаракатлари ҳам миллийлигимиздан йироқлашиб бораётганимизни билдиради. Ҳолбуки, узатилаётган қизларга европа либосларидан халос бўлиб, ўзбек миллий либосларидан фойдаланишлари учун маҳалламизда алоҳида миллий тўй либослари салони ҳам очганмиз. Буларнинг ҳаммаси бепул. Ҳаттоки, бошқа маҳаллалардан келиб ҳам миллий тўй либосларимиздан фойдаланишмоқда. Шу билан бирга туғруқхонадан чиқаётган чақалоқни қатор-қатор машиналарда эмас, балки ихчам ва шовқин-суронларсиз олиб чиқишни ҳам йўлга қўйдик.

Бу каби тарғибот-ташвиқот ишларини нафақат Тошкент шаҳар аҳолиси орасида, балки бутун республика миқёсида тарғиб этилаётгани ҳар бир фуқарони янада масъулиятли бўлишга ундайди.

**Абилқосим ДАВЛЕТОВ, Чирчиқ шаҳар 6-сонли "Умид" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Тўй-ҳашам, оилавий тантана ва маросимлар тарихдан шаклланган урф-одатларимиз, қадриятларимиз ҳисобланади. Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ҳар ойда бир неча маротаба фуқароларимизга тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз. Масалан, яқинда "Азия" тўйхонасида бўлиб ўтган қиз узатиш маросимида 100 киши иштирок этиб, тўй соат 17:00 дан 20:00 гача давом этди. Ҳар киши бошига 12 минг сўмдан ва банк пластик карточка орқали тўлов амалга оширилди. Бу масалаларни биз маҳалла тўйхона ҳамда тўй қилаётган хонадон билан биргаликда масҳалатлашиб амалга оширдик. Худдики ўзим тўй қилиб қиз узатаётгандек ҳис қилдим. Шу билан бирга 91 ёшли онахонамизнинг маросимини ҳам уйда ўтказдик. Бу маросим ҳам 60 кишидан ошмади. Соат 7:00 дан 8:00 гача давом этди.

Тўғри, тўй ҳақида кўпдан бери гапирилади. Лекин "асалнинг кўпи томоқни куйдиради", деганларидек тўй учун қилинаётган сарф-харажатлар меъёридан ошиб бормоқда.

Одатимизга кўра, тўйларга узоқ йиллар тайёргарлик кўрамиз. Яхши орзу-умидлар билан режалар тузамиз. Аммо етти ухлаб тушимизга кирмаган урф-одатларни ҳам қилаяпмиз. Аслида, бу каби муаммоларнинг кўпайиб бораётганини ўзлигимиз ва миллий урф-одатларимиздан узоқлашаётганимиз, дабдабабозлик ортидан қувиб бораётганимиз билан изоҳлаш мумкин.

Бу каби масалаларга кўз юмиб бўлмайди. Қадриятларимизга хос ёндашиш ўз қўлимизда.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

### Хўжалик суди амалиётидан

# Назорат-касса машиналарини ишлатиш

## мажбурий бўлса-ю, ишлатмаса...

**ФИСКАЛ хотирали назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ҳаракатлари жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

**ИШНИНГ МАЗМУНИ**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши шаҳар ҳудудий комиссиясининг 2012 йил 20 июндаги 35-сонли рухсатномасига ва шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг тегишли буйруғига асосан 2012 йил 20 июнда ўтказилган режадан ташқари текширишда масъулияти чекланган жамият томонидан бир йил давомида назорат-касса машинаси такроран қўлланилмаган ҳолда савдо амалга оширилганлиги аниқланган.

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан аниқланган ушбу ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан белгиланган тартибда далолатнома тузилган. Шундан сўнг текшириш материаллари шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи томонидан кўриб чиқилиб, Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосланиб, масъулияти чекланган жамиятга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида 2012 йил 13 июнда қарор қабул қилинган ва ушбу қарор нусхаси ижро этиш учун унга топширилган. Аммо масъулияти чекланган жамият томонидан белгиланган муддат ичида молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаган ёки уни рад этиш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма билдириш тақдим қилинмаган.

Молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли аризачи — шаҳар давлат солиқ инспекцияси жавобгар — масъулияти чекланган жамиятга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига ариза берган.

**АРИЗАЧИНИНГ ВАЖЛАРИ**

Суд мажлисида қатнашган шаҳар давлат солиқ инспекцияси вакили аризадаги талабни қўллаб-қувватлаб, масъулияти чекланган жамият томонидан бир йил давомида назорат-касса машинаси такроран қўлланилмаган ҳолда савдо амалга оширилганлиги учун унга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда молиявий санкция қўллашни сўраган.

**ЖАВОБГАР ФИКР БЕРМАГАН**

Масъулияти чекланган жамият вакили суд мажлисига сабабсиз келмаган, шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризаси юзасидан ёзма фикрини судга юбормаган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан шаҳар давлат солиқ инспекциясининг аризасидаги талаби қаноатлантирилган ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан 4719000 сўм миқдорида молиявий санкция қўлланилган. Шунингдек, қўлланилган молиявий санкцияни ундириш шаҳар давлат солиқ инспекцияси зиммасига юклатилган.

**СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИГА ШАРҲ**

Солиқ кодекси 72-моддасининг биринчи қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулда ҳисоб-китоб қилиш билан товарларни реализация қилиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш Назорат-касса машиналарининг давлат реестрига киритилган фискал хотирали назорат-касса машиналари мажбурий қўлланилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширадиган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўлов терминали мажбурий ўрнатилиши лозим.

Фискал хотирали назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларининг қўлланилиши тартибига риоя этилиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Гарчанд, масъулияти чекланган жамиятга нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этмасдан, фискал хотирали назорат-касса машинасини ишлатиш мажбурий бўлса-да, уни ишлатмасдан савдони амалга оширганлиги учун аввал Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ энг кам иш ҳақининг ўттиз баравари миқдорида молиявий санкция қўлланилган бўлса-да, у томонидан айнан шундай ҳуқуқбузарлик бир йил ичида такроран содир этилган.

Бунда жарима қўлланилганидан кейин бир йиллик муддат деганда, солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жарима ихтиёрий тўланган ёки жарима суд тартибида қўлланилган кундан бошлаб ўн икки ой ичида содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик тушунилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун Солиқ кодексида хўжалик юритувчи субъектлар (юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар)нинг жавобгарлиги белгиланган.

Хусусан, Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ фискал хотирали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан (ҳатто ўрнатмасдан) савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек, сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилган тақдирда, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2010 йил 18 июндаги **"Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги 210-сонли қарорининг 40.1-бандида таъкидланган.

Суд масъулияти чекланган жамият вакили суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор бўлганлигини эътиборга олиб, уни суд мажлисида сабабсиз қатнашмаган, деб топиб, ишдаги мавжуд ҳужжатлар низони мазмунан ва тўғри ҳал этиш учун етарли, деб ҳисоблаб, Хўжалик процессуал кодексининг 130-моддаси талабларига кўра ишни унинг вакили иштирокисиз кўриб чиққан ва ҳал қилув қарори қабул қилган.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди давлат солиқ хизмати органининг аризасидаги талабини қаноатлантирган ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан энг кам иш ҳақининг (ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 62920 сўм) етмиш беш баравари — 4719000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган ва қўлланилган молиявий санкцияни ундиришни шаҳар давлат солиқ инспекцияси зиммасига юклаган.

Кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирали назорат-касса машиналарини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш қонун талабларига зиддир. Ушбу талабларга риоя этмаслик хўжалик юритувчи субъектларга молиявий жарима жазоси қўлланилишига сабаб бўлади.

---

### Фахр

# Қобилият ва имконият

## Бу тушунчалар муштарак бўлса, ютуқлар залвори ортаверади

**ИСТИҚЛОЛ шарофати билан Ўзбекистон, аввало, ўзининг мустақил давлат сифатидаги барча ҳуқуқларини қайта тиклади, моддий ва маънавий бойликларининг, ўз манфаатларининг ҳақиқий эгаси, қудратли ҳимоячисига айланди. Ушбу ҳуқуқ ўзлигимизни англаш, саховатли заминимиз бойликларини, халқимизнинг улкан яратувчанлик ва интеллектуал салоҳиятини Ватанимиз равнақи, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашимиз, буюк орзуларимиз рўёби йўлида сафарбар этиш имконини берди.**

ДАРҲАҚИҚАТ, мамлакатимизда шу азиз юрт фуқаролари сифатида ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда ёки илмий-ижодий фаолиятимизда юз берган ўзгаришлардан қувонмаслик, ғурурланмасликнинг иложи йўқ. Истиқлол йилларида кечаётган умримизнинг ҳар куни ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида Ўзбекистон танлаган миллий тараққиёт йўлининг нақадар тўғри ва халқчил эканини исботлаш билан бирга, мамлакатимиз, халқимиз бу йўлдан асло оғишмай, ўзининг буюк келажаги сари дадил қадам ташлаётганини яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ адолатли демократик жамият қуриш учун ҳам назарий, ҳам амалий асослар мустаҳкамлаб борилди. Зеро, одиллик ва ҳақиқатпарварлик халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан ҳисобланади. Фуқароларимиз учун ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган кенг имкониятлар, шу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмлар яратиб берилди.

Истиқлол йилларида жамиятимизда амалга оширилган ишларнинг ҳар бири ўзига хос тарихга, маъно-мазмунга эга. Қисқа вақт ичида янги демократик тизимнинг шаклланиши, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан белгилаб қўйилиши, бу муносабатлар орасидаги мутаносибликнинг таъминланиши чиндан ҳам, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Муҳими, бу ислоҳотларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини улуғлаш каби инсонпарвар ғоялар мужассам бўлди.

Мустақиллик берган имкониятнинг яна бир жиҳати ўсиб келаётган ёш авлодга бўлган эътибордир. Зеро, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган юртнинг эртанги тақдири ҳам келажак авлод фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

**Рустам РАИМЖОНОВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

---

**ҲАЁТДА бировнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдан кўра савоблироқ иш бўлмаса керак. Буни теран ҳис қилган кўпгина юртдошларимиз ўзларининг шахсий автомашиналарида ёки бирор-бир автоуловни ижарага олган ҳолда аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатишга бел боғлаган.**



### Жиноятга жазо муқаррар

# Фирибгар киракаш

## ёхуд ёлғоннинг умри қисқалиги хусусида

ТОШКЕНТ шаҳрининг Сирғали туманида яшовчи фуқаро Турдиали Қосимов (исм-шарифлари ўзгартирилган) ҳам 2011 йилнинг июнь ойи бошларида таниши Розиқ Мавруловнинг "Нексия" русумли автомашинасини ойига 500.000 сўм тўлаш эвазига ижарага олди.

Тўғри, аввалига Турдиали пойтахтлик ва пойтахтга ташриф буюрган ҳамюртларимизнинг ҳожатини чиқариб, яхшигина пул ишлади. Бунинг натижасида, рўзғорини ҳам бинойидек тебрата бошлади. Аммо кўп ўтмай, Турдиали яна эгри йўлга қадам қўйди. Нима учун "яна", деганимиз боисини эса кейинроқ тушунтирамиз.

Хуллас, орадан икки ой ўтгач, Т.Қосимовда ғаразли мақсад пайдо бўлди. Яъни у машинани пуллаш режасини тузди. Табиийки, ҳеч бир мулкни эгасининг розилигисиз сотиш мумкин эмас. Шунинг учун Турдиали бу муаммони ечиш борасида оғайниси Илҳом Шокировни "ҳамкорлик"ка чорлади.

— "Нексия"ни сотамиз, — деди у Илҳом билан ҳол-аҳвол сўрашгач.

— Қандай қилиб, ахир машина сеники эмас-ку? — ҳайрон бўлиб сўради И.Шокиров.

— Сенинг суратингдан фойдаланамиз. Ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Қўрқма, қуруқ қўймайман, яхшигина улуш оласан.

Илҳом "Нексия" машинаси тахминан қанча баҳога сотилишини яхши биларди. У ўзига мўмайгина пул тегишини ўйлаб, ўша заҳотиёқ Турдиалининг таклифига рози бўлди.

— Айтиб қўяй, бирор гап-сўз чиқса, сенинг этагингдан ушлайман, — деди ўзини базўр кўнаётгандек тутиб.

— Хотиржам бўл, мен шу пайтгача ҳеч бир ишда муаммо чиқармаганман.

Шу тариқа икки ошна гапни бир жойга қўйишди.

Гап шундаки, Турдиалида Розиқ аканинг ҳужжати бор эди. Улар ўзлари билган усул ёрдамида Р.Мавруловнинг сурати ўрнига Илҳомникини жойлаштиришди. Эртаси куни эса машинани Учкўприк туманида жойлашган автомашина бозорига олиб келишди.

Буни қарангки, нархи бироз арзонроқ айтилгани учунми, тез орада харидор ҳам топила қолди. Дилором Парпиева ва унинг қариндошлари машинани яхшилаб кўришгач, нархини сўрашди. Ўзини Розиқ Маврулов, деб таништирган автомашина "соҳиби" (Илҳом Шокиров) билан келишиб, уни 10.250 АҚШ долларига баҳолашди. Сўнгра харидорнинг уйига келишди. Шу ерда Турдиали ва Илҳом Дилором опадан 6800 АҚШ долларини санаб олишди. Қолганини эса бир ҳафта-ўн кун ичида олишга ваъдалашиб, Тошкентга қайтиб кетишди.

Айтилган муддатда Д.Парпиева қўнғироқ қилгач, Турдиали дарҳол етиб келди.

— Энди машинани Тошкентга олиб борамиз, рўйхатдан чиқариб бераман. Кейин расмийлаштириб олаверасизлар, — дея тавозе қилди у.

Ўша куни Дилором опа ва қариндошлари Турдиали билан бирга йўлга чиқишди. Пойтахтга етиб келишгач, Т.Қосимов водийлик меҳмонларни бир кафега бошлади. Ҳаммалари овқатланиб ўтирганда Турдиали секин ўрнидан қўзғалди.

— Машинани бир қараб қўяй.

У шу баҳона билан ташқарига чиқди-ю, ўзи аввалдан тайёрлаб қўйган иккинчи калит билан машинани ўт олдириб, жуфтакни ростлади. Уйига келиб, онасига буйруқ оҳангида деди:

— Розиқ акага телефон қилинг, машинасини олиб кетсин. Энди уни ҳайдамайман. Жуда чарчадим, оғайниларим билан дам олишга кетяпман.

Шундан сўнг кўп ўтмай, Турдиали Россияга жўнаб кетди. Д.Парпиева эса алданганини билгач, ҳуқуқ тарғибот идорасига ариза берди.

Т.Қосимов фирибгарликнинг умри қисқа эканлигини, бировнинг ҳақи буюрмаслигини, энг муҳими, қонун устуворлигини суд томонидан қонуний жазога тортилганда англаб етди.

Юқорида яна эгри йўлга қадам қўйганини таъкидлагандик. Чунки 2011 йилнинг 7 январида жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судининг ҳукми билан 2 йилу 8 ой муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилганди. Аммо жазони ўташ чоғида биз тилга олган жиноятга қўл урди. Бу орада 2011 йилнинг 31 октябрида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур тумани суди томонидан бошқа бир фирибгарлиги туфайли 5.720.000 сўм жарима ва 2 йилу 2 ой ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилинди. Бу гал суд унга ўталмаган жазоларини ҳам қўшган ҳолда жазо тайинлади.

**Акрамжон ТОШПЎЛАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон тумани судининг раиси,**

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**Эълонлар**

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HAMZA ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Норбутаев Норбек Дурмановичга бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN-000152 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 02.03.2011 йилда берилган 1765-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 1 ой муддатга тўхтатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ADOLAT UCHUN OLG'A" адвокатлик фирмаси адвокати Хашимов Азамат Одилжоновичга бошқарма томонидан 23.03.2011 йилда берилган TN-001387 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 28.12.2011 йилда берилган 2105-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 1 ой муддатга тўхтатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HUQUQIY TA'MINLASH" адвокатлик фирмаси адвокати Абдувалиев Фируз Хисомидиновичга бошқарма томонидан 22.09.2011 йилда берилган TN-001463 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 10.10.2011 йилда берилган 2017-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "HIMOYA IZLAB" адвокатлик фирмаси адвокати Касымова Шохиста Абдукаримовнага бошқарма томонидан 17.06.2009 йилда берилган TN-000969 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 19.08.2009 йилда берилган 1252-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 1 ой муддатга тўхтатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Хоссейин Светлана Николаевнага бошқарма томонидан 24.06.2009 йилда берилган TN-001064 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 10.07.2009 йилда берилган 642-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 3 ой муддатга тўхтатилди.

Оила ва жамият

# Фарзандликка олиш

## фақат суд томонидан кўриб чиқилади

**ОИЛА улуғ ва муқаддас макон, инсон камолотининг бешиги, дунёдаги жамики эзгу умидларнинг олтин калитидир. Юртбошимиз айтганидек: "Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади!".**

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 14-боби оилага бағишланиб, унинг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Барчамизга маълумки, давлатимиз раҳбари таклифи билан 2013 йил мамлакатимизда "Обод турмуш йили", деб эълон қилинган. Жорий йилнинг 14 февралида эса Президентимизнинг **"Обод турмуш йили" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди. Давлат дастури 8 та бўлим ва 86 та банддан иборат бўлиб, унда жорий йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий сиёсий ҳаётидаги муҳим йўналишлар қамраб олинган.

"Обод турмуш йили"да ёш оилаларнинг, унда вояга етаётган фарзандларнинг қадр-қимматини улуғлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш борасида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш борасида ҳам бир қатор вазифалар белгиланган.

Конституциямизнинг 64-моддасида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши кафолатланган.

Жумладан, Оила кодексининг 151-моддасида фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилиши, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилиши, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Шунингдек, халқаро тажрибадан маълумки, кўпгина давлатларда фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилади. Хусусан, АҚШ, Германия, Буюк Британия ва кўпгина МДҲга аъзо (Россия Федерацияси, Украина ва бошқа) давлатларда ҳам мазкур масала суд томонидан кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Оила кодексининг 107-моддасига киритилган ўзгартишда вояга етмаган болани ота-онасидан олиш ва уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда суд ота ва онанинг ҳар биридан мазкур бола фойдасига ушбу Кодекснинг 99-моддасида белгиланган миқдорларда алиментлар ундирилиши, ундирилган алиментлар мазкур бола номига очилган банк ҳисобварағида жамланиши ва у вояга етганда тўланиши баён этилган. Бу эса тарбия муассасасига жойлаштирилган болаларга вояга етгандан сўнг янги ҳаётни бошлаши учун маълум миқдордаги шахсий маблағлар жамғаришга кўмаклашади. Яъни, унда моддий маблағ захираси шаклланган бўлади.

**Шоҳжаҳон ЭРГАШЕВ,**
**Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлими масъул ходими**

Ўқидингизми?

# Журналнинг янги сони

## мухлислар эътиборида

**"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ" илмий-маърифий журналининг 2013 йилги 3-сони мухлислар эътиборига ҳавола қилинди.**




МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ йигирма икки йиллигига бағишланган бир қатор таҳлилий мақолалар журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилидаги вариантларидан ўрин олган.

Ўзбек тилидаги вариантда **Ғ.Мирзаев**нинг "Истиқлол — абадий, истиқлол шукуҳи — бебаҳо", **Ҳ.Юнусов**нинг "Ўзбекистон Республикасининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигининг ўзига хос хусусиятлари", **М.Хўжамбердиев**нинг "Ўзбекистонда инклюзив таълимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари" номли мақолалар билан танишадилар. Журналнинг инглиз тилидаги вариантида **Б.Жамсран**нинг "Монголияда кончилик саноатини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари масаласи", **А.Саидов**нинг "Ҳуқуқий эксперимент қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи субъектлари қонун ижодкорлиги фаолиятининг самарали шакли сифатида", рус тилидаги вариантида **Э.Боситханова**нинг "Мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантиришда аёлларнинг ўрни ва роли", **Г.Маликова**нинг "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг болалар ва оилалар ижтимоий ҳимояси тизимидаги роли" сарлавҳали мақолалари муштарийларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ушбу сонда бошқа яна бир қатор қизиқарли мақолалар ўрин олган.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Имконият

# Нодавлат нотижорат ташкилотлари

## умумбелгиланган солиқ турларидан озод

**ЮРТИМИЗДА фуқаролик жамияти элементлари — нодавлат нотижорат ташкилотлари кўринишлари азалдан мавжуд бўлган. Шунингдек, ўрта асрларда маҳалла ва кўчаларнинг ихтисослашуви, яъни кулоллар, қассоблар, қандолатчилар ва бошқа кўринишдаги касб эгаларининг бир жойда яшаши ва фаолият олиб бориши ўзига хос нодавлат бирлашмаларини ташкил қилган ва улар томонидан умумманфаатдаги масалалар ҳамжиҳатликда ҳал қилинган.**

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, Президентимиз раҳнамолигида маҳалла нуфузини қайта тиклаш, азалий маҳалла-кўйчилик анъаналарига қайтиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, **"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"**ги, **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги, **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги қонунлар ва бошқа бир қатор фармон, қарор ҳамда фармойишларнинг қабул қилинганлиги ана шундай амалий ишларнинг ифодасидир.

Хусусан, 1991 йил 15 февралда **"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамиятлари учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлди. Юртимиз тарихида илк бор фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмаларининг мустақил фаолият юритувчи ҳуқуқий субъект эканлиги тан олинди.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2007 йил 3 январда **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам диққатга моликдир.

Солиқ кодексининг 308-моддасига асосан фуқаролик жамияти институтлари субъектларига берилган грант маблағлари ҳисобига олинадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳисобланмаслиги қайд қилинди.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 350-моддасига асосан ягона солиқ тўловчи субъектлар — микрофирмалар, кичик корхоналар, савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотлар ягона солиқ тўловчи субъектлар жумласига кирмаслиги қайд қилинган.

Бундан ташқари, Солиқ кодексининг қатор моддалари нотижорат ташкилотлар умумбелгиланган солиқ турларини тўламаслиги қайд қилинган (нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда).

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 502-сонли қарори билан тасдиқланган "Хайрия ҳамда бошқа жамғармалар ва жамиятларга, шунингдек, улар томонидан ташкил қилинган корхоналар ва бошқа шўъба тузилмаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг қўлланиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3.2-бандига асосан таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тадбиркорлик фаолиятидан даромад олишни кўзламайдиган ижтимоий-хайрия мақсадлари ва бошқа мақсадлар учун ташкил этилган нотижорат ташкилотлардан солиқ ва йиғимлар ундирилмаслиги белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси туфайли, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Эндиликда ушбу ислоҳотлар жаҳондаги илғор ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва ўзбек халқи менталитетига хос бўлган анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда олиб борилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мазкур жараёнларга жамиятни демократлаштириш ислоҳотлари ҳам уйғунлашди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамияти пойдеворининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Рустам ЭШБОЕВ,**
**Сирдарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

# "Ишонч телефон"лари доим алоқада

**ДАВЛАТ солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар билан бевосита алоқада бўлиш орқали уларнинг мурожаатларини ўрганиб бориш ва юзага келаётган муаммоларнинг ечимини топишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.**

АНА ШУ мақсадда бугунги кунда Давлат солиқ қўмитаси ҳамда ҳудудий давлат солиқ органларида фаолият юритаётган "Ишонч телефон"лари солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари, солиқ тўловчилар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда самарали восита сифатида хизмат қилмоқда.

"Ишонч телефон"ларига қилинаётган мурожаатларнинг аксарияти савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида савдо қоидаларининг бузилганлиги ҳамда нақд пул маблағларини назорат-касса машиналари хотирасига кирим қилмаслик ва бошқа масалалар хусусида.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига давлат солиқ хизмати органларининг "Ишонч телефон"ларига қилинган фуқароларнинг мурожаатлари асосида ўтказилган назорат тадбирлари натижасида, 882 та ҳолатда жами 84410,5 минг сўм нақд пул маблағларини назорат-касса машинасига кирим қилмаслик, 494 та ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз маҳсулотлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш, 64 та ҳолатда бошқа ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари аниқланиб, айбдорларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Давлат солиқ қўмитасининг 244-98-98 рақамли "Ишонч телефони" ҳамда ҳудудий давлат солиқ хизмати органларининг "Ишонч телефон"лари рақамлари Давлат солиқ қўмитасининг расмий **www.soliq.uz** сайтида жойлаштирилган.

**Фаробий САЛИМОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси навбатчи қисм бошлиғи в.в.б.**


Реклама

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада

"МУСТАҚИЛЛИК — 2013"

*Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

"ФАРОВОН ТУРМУШ"

*Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

Хорижий валютада

"ИШОНЧЛИ" (АҚШ долларида)

*Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**



*"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!*

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.


Эълонлар

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ADOLAT USTIVORLIGI SARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Артыков Убайдулла Фаттаховичга бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган TN-000306 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 366-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "POYTAXT" адвокатлар ҳайъати адвокати Алиева Зульфия Сулаймановнага Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 03.06.2009 йилда берилган TS-000211 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 22.07.2009 йилда берилган 1052-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "AL-MAHMUD MASLAHATI" адвокатлик фирмаси адвокати Юсупов Абдулхак Ганиевичга бошқарма томонидан 17.06.2009 йилда берилган TN-000983 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 27.07.2009 йилда берилган 1086-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "BEST LEGAL EXPERT" адвокатлик фирмаси адвокати Манапов Орымбайга бошқарма томонидан 23.11.2011 йилда берилган TN-001495 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 21.12.2011 йилда берилган 2095-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "DAV-XAL PARTNER" адвокатлик фирмаси адвокати Валиев Даврон Бахтияровичга бошқарма томонидан 23.11.2011 йилда берилган TN-001491 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 19.12.2011 йилда берилган 2093-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ADOLAT-RAHMON" адвокатлик фирмаси адвокати Эшов Рахмат Уринбаевичга бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN-000593 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 18.12.2012 йилда берилган 2457-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 4 ой муддатга тўхтатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ADOLAT-RAHMON" адвокатлик фирмаси адвокати Суюнов Мансур Абдусаламовичга бошқарма томонидан 22.02.2012 йилда берилган TN-001515 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 14.03.2012 йилда берилган 2164-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 4 ой муддатга тўхтатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 26 сентябрдаги 46-А-ум-сонли буйруғига асосан "BEST ADI" адвокатлик фирмаси адвокати Ашуров Иброхим Юлчиваевичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 24 сентябрда берилган TS 000375 сонли адвокатлик мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати суднинг тегишли қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатилди.

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "XALQARO-HUQUQIY ISHLAR BO'YICHA" адвокатлар ҳайъати адвокати Эшжанов Илхам Машарифовичга бошқарма томонидан 08.06.2009 йилда берилган TN-000629 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 30.06.2009 йилда берилган 396-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2013 йил 13 сентябрдан — 3 ой муддатга тўхтатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "SHAYHONTOHUR ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Рахимов Уктам Хамитовичга бошқарма томонидан 24.04.2012 йилда берилган TN-001531 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 21.05.2012 йилда берилган 2208-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

***

Малака комиссиясининг 12.09.2013 йилдаги 7-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.09.2013 йилдаги №251-ш/т-А-сонли буйруғига асосан "ANCORA CONSULTING AND LEGAL SERVICE" адвокатлик фирмаси адвокати Ахмедова Маргарита Мухтаровнага бошқарма томонидан 20.05.2011 йилда берилган TN-001419 сонли адвокат мақомини олиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг ва 21.05.2012 йилда берилган 2209-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2013 йил 6 сентябрдаги йиғилиш баённомаси ва Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 11 сентябрдаги 131-ум-сонли буйруғига асосан Чироқчи туманидаги "Чироқчи ҳуқуқи" адвокатлик фирмаси адвокати Эшқулов Абдисалим Мейлиевичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 июнда берилган KS 000108 рақамли адвокатлик лицензиясининг амал қилиши 2013 йил 6 сентябрдан 3 ой муддатга ҳамда Қарши шаҳридаги "Соҳибқирон издошлари ҳимояси" адвокатлик фирмаси адвокати Ярбазаров Хайрулла Бутаевичга адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000010 рақамли адвокатлик лицензиясининг амал қилиши 6 ой муддатга тўхтатилди.


ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Қўчқор Тоғаев, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Очилов Алижон Мухлисович, Султонов Алимқул Тошбекович, Мамадалиев Зайниддин Очилович

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-8218. **Тиражи — 16853.**

УзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5